

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИК – ИЖТИМОЙ ВА
СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК
КАФОЛАТИ**

(Ўқув-услубий мажмуа)

**Тошкент
«Адолат»
2011**

УДК: 334.722(6У)
ББК 65.9(5У)09
K48

K48 **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – ижтимоий ва сиёсий барқарорлик кафолати:** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти – Т.: «Адолат», 2011 й. – 64 б.

ISBN 978-9943-394-19-3

УДК: 334.722(07)
ББК 65.9(5У)09

Тузувчилар: ю.ф.д., проф. С.Б.Бабакулов,
ю.ф.н., Ф.Б.Ибратова.

Такризчилар: ю.ф.д., проф. О.Оқюлов
ю.ф.д., проф. Ш.Н.Рўзиназаров

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – таракқиётимизнинг муҳим омилдир” мавзусидаги маърузаси асосида тайёрланган бўлиб, унда маърузада билдирилган асосий фикрлар кўргазмали тақдимот слайдлари, глоссарий, назорат саволлари ва тестлар орқали ёритилган. Ўқув-услубий мажмуани тайёрлашда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номи маърузасининг 6-бандида назарда тутилган, демократик бозор ислохотларини ва иктисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари ҳамда уларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ўқув-услубий мажмуада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётидаги аҳамияти, кичик бизнес субъектлари доираси, кичик бизнес субъектларини ташкил этиш ва фаолият юритишининг ҳуқуқий масалалари умумий ёритиб берилган.

Мазкур ўқув-услубий мажмуадан олий ўқув юртлари талабалари, ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар, шунингдек ўрта-маҳсус касб-хунар таълим муассасалари, ўрта мактаб ўқувчилари ҳамда кенг китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

Ў $\frac{1201000000 - 022}{(04) - 2011}$ – 2011

ISBN 978-9943-394-19-3

© ю.ф.д., проф. С.Б.Бабакулов, ю.ф.н. Ф.Б.Ибратова
© Тошкент давлат юридик институти, 2011 йил.
© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги
«Адолат» нашриёти, 2011 йил.

КИРИШ

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир” мавзусидаги маърузасини кенг жамоатчилик томонидан ўрганиш учун махсус тайёрланган бўлиб, унда маърузада билдирилган асосий фикрлар кўргазмали тақдимот слайдлари, глоссарий, назорат саволлари ва тестлар орқали ёритилган.

Мажмуани тайёрлашда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номи маърузасининг 6-бандида назарда тутилган, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари ҳамда уларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, мажмуада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти, кичик бизнес субъектлари доираси, кичик бизнес субъектларини ташкил этиш ва фаолият юритишининг ҳуқуқий масалалари умумий ёритиб берилган.

Ушбу ўқув-услубий мажмуада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда унинг ҳуқуқий асосларига бағишланган тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, бу мазкур соҳага кизиқувчилар учун қулай манба ҳисобланади.

Мазкур мажмуа мамлакатимизни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда муҳим амалий қўлланма бўлиб хизмат қилади. Унинг анъанавий тарздан чекинган ҳолда кўргазмали тақдимот слайдлари, глоссарий, назорат саволлари ва тестлар орқали ёритилганлиги кенг жамоатчиликнинг мазкур қўлланмадан фойдаланишини янада осонлаштиради ва пировард натижада Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини мамлакатимиз аҳолиси орасида кенг тарғиб қилишга самарали ҳисса қўшади.

“Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодийтимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожда алоҳида ўрин эгаллайди”.

И.Каримов

1. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК – ИЖТИМОИЙ ВА СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

1.1 Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти

Тадбиркорлик жамият ривож ва иқтисодий ўсун жуда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз И.А. Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ: *«Тадбиркорлик – иқтисодий тангликдан олиб чиқишнинг, иқтисодий тараққиётга олиб боришнинг асосий иқтисодий воситаси, тараққиёт локомотиви»*,¹ – деб таъкидлаган эдилар. Шунинг учун ҳам тадбиркорликнинг ривожланиши ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлган, шунингдек давлат қўллаб-қувватлаши ва ҳимоясига муҳтож бўлган тадбиркорлик – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик саналади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳозирги пайтда энг муҳим масалалардан бирига айланган. Юқорида айтилганидек, кичик бизнес алоҳида категория

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. 78-б.

сифатида жамиятнинг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларига таъсир кўрсатиб, фуқаролар ҳаётининг, шунингдек давлатнинг муайян тарихий-иқтисодий шарт-шароитларини акс эттиради.

Кичик тадбиркорлик ҳозирги бозор муносабатлари жараёни тобора чуқурлашиб бораётган бир даврда, республикаимизнинг иқтисодий тараққиётига сезиларли даражада ҳисса қўшмоқда. Шу туфайли, кичик ва ўрта тадбиркорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки кичик тадбиркорлик қанчалик ривожланса, уларнинг сони кўпайиб, ишлаб чиқариш ва сифат ошиб борса, мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати тобора ошади, халқ фаровонлиги юксалади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқармоқда. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир”¹, – деб алоҳида таъкидлаши мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка давлат томонидан алоҳида аҳамият бериб келинаётганлигини кўрсатади.

Кичик бизнеснинг жамият ижтимоий ҳаёти ва иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамиятига қуйидагилар киради:

- кичик бизнес субъектлари жамият сиёсий барқарорлигининг асосий кафолати ҳисобланган ўрта қатламни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди;

- янги иш жойларини ташкил этади ва аҳоли кенг қатламини иш билан таъминланлайди, шу жумладан, кам малакали ва имконияти чекланган аҳоли қатламини ҳам иш билан таъминланлайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали мамлакатимизда жамиятимиз-

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. // Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.

нинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустахкам бўлиб боришига эришмоқдамиз.

Барчамизга аёнки, айнан ана шу ижтимоий қатлам, яъни ўрта синф юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришдан, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан энг кўп манфаатдордир. Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, қисқа бир даврда, яъни 2010 йил якуни билан бу кўрсаткич қарийб 53 фоизга етиши кутилаётгани, ҳеч шубҳасиз, ана шундай ишларнинг мантиқий самарасидир.



Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг қарор топишида ва уни ривожлантиришда ҳуқуқий воситаларнинг тутган ўрни беқиёсдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик одамларимиз учун янги иш ўринлари очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилига айланаётганига алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд

аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Президентимиз таъкидлаганларидек, юртимиз тарихида тадбиркорлик қадим замонлардан буён алоҳида ўрин тутиб келади. Ота-боболаримизнинг ўз ери, ўз мулки, ўз касбу ҳунарга эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ишбилармон инсонларни кадрлаш борасидаги анъаналари ҳақида кўп гапириш мумкин. Жумладан, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг барчамизга яхши маълум бўлган **“Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”**¹, деб таъкидлаганлари айни ҳақиқатдир.

Албатта, илгариги замонларда тадбиркорлик, балки бошқача номлар билан аталган бўлиши мумкин. Аммо қандай ном билан аталмасин, у савдогар ёки дўкондор, ҳунарманд уста ёки касаначи бўладими, катта-кичик корхона эгасими, бундан қатъи назар, аждодларимиз айнан шу соҳа ҳисобидан рўзғор тебратиб, ўз оиласини, эл-юрт манфаатини таъминлаб келган.

Жорий 2010 йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 480 мингта янги иш ўрни очилган. Энг муҳими, бу иш ўринларининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқларимизда ташкил этилмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини қишлоқ жойларда яшашини ҳисобга оладиган бўлсак, бу рақамларнинг ижтимоий аҳамиятини тушуниш қийин эмас.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида Президентимиз томонидан 2011 йилнинг мамлакатимизда **“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”** деб эълон қилингани ҳақида алоҳида тўхталиш лозим.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти қуйидагилар билан тавсифланади:

¹ Мамлакатни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир // Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2010 йил, 8 декабрь.

- хусусий табдиркорлик бозор иқтисодиёти шароитида зарур тезкорликни таъминлаб, ишлаб чиқаришдаги ихтисослашув ва тармоқлашган кооперацияни яратади;

- бозор иқтисодиёти учун зарур бўлган рақобат мухитини яратади ҳамда ўзгариб турадиган бозор талабига мослаша олиш қобилиятига эга эканлиги билан ажралиб туради;

- истеъмолчилик соҳасида юзага келадиган бўшлиқни тезда тўлдиришга қодир бўлиб, энг замонавий машина ускуналари ва технологиядан фойдаланиб, сарфланган сармоянинг ўрнини жуда тез қоплай олади.

Кичик бизнес ва хусусий табдиркорликнинг хусусиятлари (кам капиталнинг кичиклиги, унинг тез айланувчанлиги, ишлаб чиқариш воситаларини тезда алмаштириш имкониятлари ва б.) унинг бир қанча афзалликларга эга бўлиши имкониятларини яратади:

- изланиш, янги маҳсулотларни маромига етказиш ва ўзлаштириш, уларни талабнинг тез ўзгариб туриши хатарини ҳисобга олган ҳолда кичик уюшмаларда ишлаб чиқариш;

- тезкор техник сервиснинг ишончлилиги ва истеъмолчилар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш;

- ишлаб чиқаришни мослашувчан тарзда ташкил этиш ва маҳсулот сотишни бозор талабларига ҳамда бозор вазиятлари ўзгаришларига мувофиқ олиб бориш;

- ортикча иш кучини иш билан таъминлаш;

- бошқаришнинг оддийлиги, мураккаб маъмурий аппаратнинг йўқлиги, қурилиш ва лойиҳа қувватларини ўзлаштиришда қисқа муддат, капитал сарфларининг тез ўзини оқлаши, капитал айланмасида юқори тезлик;

- хом ашё ва меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тўлиқроқ ва самаралироқ фойдаланиш.

1.2 Кичик бизнес ва хусусий табдиркорликнинг ҳуқуқий асослари

Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида, яъни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда улкан ўзгаришларни амалга оширишда асосий эътиборимиз марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимида барҳам бериш ва бо-

зор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратилди.

Шу борада қабул қилинган ўта муҳим қонун ва норматив ҳужжатлар қаторида Фуқаролик, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонунларни қайд этиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, ислоҳотларимизнинг кейинги босқичида “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Хусусий корхона тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунлар, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси иқтисодиётда мулкчиликни турли хил кўринишда ривожлантириш, уни тенг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлашини белгилаб берди. Хусусан, Конституциянинг 53-моддасига кўра, “бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган, ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш лозим.

Ҳар бир тадбиркор, албатта, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячиси эканлигини билиши лозим, тадбиркорлар ўз

бизнесига бежавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим.

Шу сабабли, Президентимиз таъкидлаганларидек, бозор иктисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустақкамлашга қаратилган “Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур.

“Биз хусусий тадбиркорликнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қонун ва тартибларга ҳокимиятнинг жамики бўғинлари томонидан оғишмай амал этиладиган қатъий ва мажбурий муҳитни вужудга келтиришимиз шарт, кичик корхоналарнинг турли шакллари тез ва кенг ривожланиши учун йўл очишимиз лозим”.

И.Каримов

1.3 Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми

Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси Ўзбекистон Республикасида 2000 йил 25 майда қабул қилинган қонуннинг 3-моддасида қуйидаги таҳрирда баён этилади: “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкый жавобгарлиги асосида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир”.

Кичик тадбиркорлик фаолияти (кичик тадбиркорлик) – кичик тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкый жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар кирди.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилишидир. Якка тартибдаги тадбиркорлик тадбиркор томонидан хо-

димларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунларда, никоҳ шартномасида ёки эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади.

Гап якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш тўғрисида кетар экан, эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланадиган ҳолларда вужудга келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масаласи муҳимдир. Чунончи, қонунларда, никоҳ шартномасида ёки эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бундай ҳолда эр (хотин)нинг розилиги талаб этилади. Бундай розилик нотариал тасдиқланган бўлиб, қайси мол-мулкдан фойдаланишга келишилган бўлса, ушбу мол-мулкка тегишли маълумотлар қайд этилиши лозим.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик турида (иш муомалаларида) эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирок этади, бу розилик якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилаётганда тасдиқланиши лозим.

Оилавий тадбиркорликда эр-хотиннинг умумий (биргаликдаги) мол-мулкидан фойдаланишда қонун оиланинг вояга етган бошқа аъзоларининг манфаатларини инобатга олган, хусусан, агар тадбиркорлик фаолияти объекти сифатида уй-жойдан фойдаланиш билан боғлиқ оилавий тадбиркорлик амалга ошириладиган уй-жой мулкдорларидан бирининг иш муомалаларига киришиши оиланинг вояга етган бошқа аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги бўлган тақдирда амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятининг негизи, мулкнинг шаклланиш ҳолати бир-биридан фарқ қилади. Якка тартибдаги тадбиркор мулк ҳуқуқи асо-

сида фақат ўзига тегишли бўлган молк-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида фаолият кўрсатса, оилавий тадбиркорлик мол-мулки негизида умумий биргаликдаги мулк асосида амалга оширилади.

Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб олиш лозим. Оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши орқали янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади деб ўйлаймиз.

Ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Енгил ва озик-овқат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши; машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши; фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар ҳам кичик тадбиркорлик субъектлари саналади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланиши лозим, бунда унитар (шўъба) корхоналарда, филиалларда ва ваколатхоналарда ишловчиларнинг сони ҳам ҳисобга олинади. Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли)

юримдик ва жисмоний шахслар йиллик оборот хажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига киради.

Микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун ва кейинги уч ойга улар конун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Ушбу қоида қуйидаги ҳолларда:

- микрофирма ва кичик корхона Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежлари, академик лицейларнинг ҳамда олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузганда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 20 фоиз оширилганда. Ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни тугаллаган қунидан бошлаб уч йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирда йўл қўйилади;

- кичик корхоналар ўз уйида ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузганда банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фоиздан оширилганда татбиқ этилмайди¹.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга 2010 йил 13 декабрда киритилган ушбу ўзгартишлар янги битирувчиларни иш билан таъминлаш ва касаналичиликнинг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидагиларга ҳақли:

- конун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

- мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг (ишлари, хизматларининг) истеъмолчиларини танлаш;

- тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш, товарлар (иш-

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 13 декабрдаги ўРҚ–265-сон Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 50-сон, 469-модда.

лар, хизматлар) бозорида устун мавқени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари бундан мустасно;

- ўз махсулотини (ишлари, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни олиш ва (ёки) ижарага олиш, шу жумладан, лизинг йўли билан;

- белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.

Таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик фаолияти маълум субъектлар томонидан амалга оширилади. Улар кимлардан иборат бўлиши мумкин? Бу саволга жавоб “Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида берилади, яъни улар: “Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахс ва жисмоний шахслардир”.

Қонуннинг ушбу моддасига мувофиқ, ҳар қандай юридик шахс ёки жисмоний шахс тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бўлавермайди. Бунинг учун улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлишлари керак. Фуқаролик кодексининг 24-моддасига мувофиқ жисмоний шахс, яъни “Фуқаро яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир”. Юридик шахс ҳам тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлиб ҳисобланиши учун тегишли тартибда рўйхатдан ўтган, бундай фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиши учун рухсатнома (лицензия) олган бўлиши керак. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган корхона ёки фирма юридик шахс деб тан олинаши учун ФКнинг 44-моддасида назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши керак.

Айнан, хўжалик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб, уларга юридик шахс мақоми белгиланиб, бу юридик факт ҳуқуқий муносабатни белгилловчи аҳамиятга эга-

дир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, хўжалик (тадбиркорлик) субъектларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади. Аввало, шахс ариза тақдим этиб, унда ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъекти тўғрисидаги асосий маълумотларни, чунончи, хўжалик юритувчи субъектнинг номи, юридик манзили, раҳбарнинг исм-шарифи, низом жамғармасининг миқдори, муассислар, уларнинг низом жамғармасидаги улуши, давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб мурожаат этган шахснинг исми-шарифи ўз ифодасини топган бўлиши лозим. Шунини таъкидлаш жоизки, ариза билан, албатта, таъсисчининг ўзи мурожаат этиши шарт эмас, балки унинг номидан нотариал тасдиқланган ишончнома асосида барча давлат органларида унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун вакил қилинган шахс ҳам мурожаат қилиши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси (давлат корхоналари негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини рўйхатдан ўтказиш учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилмайди), хўжалик юритувчи субъектнинг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат (фермер, деҳқон хўжаликлари давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно), давлат божининг ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати (деҳқон хўжаликлари, давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно), белгиланган тартибда шахсга (туман) ҳокимликнинг ваколатли органлари томонидан берилган фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома, муҳр ва штамп эскизлари 3 нусхада илова қилинади.

Юқорида қайд этилган ҳужжатларга қўшимча бозорларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун уни ташкил этишга шаҳар, туман ҳокимлиги розилиги ёки қарори талаб этилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ҳисобланган яққа тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш хўжалик ҳуқуқининг бошқа субъектларини рўйхатга олишдан фарқ қилади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг умумий асослари кўрсатилган. Унга биноан, жисмоний шахс яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиш учун тегишли органларга ариза бергач, рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчига тадбиркорлик фаолияти субъекти тариқасида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деган ваз билан рад этишга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас. Бундай талабни асоссиз рад этганлик, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатлари бузилганда судга шикоят қилиниши мумкин.

Бу каби умумий асослардан ташқари, рўйхатга олишнинг махсус асослари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун давлат рўйхатидан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорида тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширувчи субъектларни ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати ва тартиби мустаҳкамланган. Бунга биноан, шахс томонидан туман (шаҳар) ҳокимлигига ариза берилади, ушбу аризага 3x4 ўлчамли иккита фотосурат, рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдорда тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати, муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада тақдим этилади ҳамда паспорт кўрсатилади.

Жисмоний шахс аризада тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладиган жой мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши лозим.

Юридик шахс тузмасдан деҳқон хўжалиги ташкил этишда ҳам туман (шаҳар) ҳокимлигига ариза тақдим этилади. Яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс тузмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги аризаларини рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қабул қилиб олинганидан сўнг 3 иш кунидан кечиктирмай тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишлари ва ҳисобга қўйишлари лозим, акс ҳолда шахс судга шикоят қилишга ҳақли.

Хўжалик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бош-лаб бир кун мобайнида рўйхатдан ўтказувчи орган рўйхатга олин-ганлик маълумотини солиқ органига ҳамда муҳр ва штамп эс-кизларини уч нусхада илова қилган ҳолда Ички ишлар органла-рига расман тақдим этади. Солиқ органлари эса, яқка тартибда-ги тадбиркорни, юридик шахс тузмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигини ҳисобга қўяди, уларга солиқ тўловчининг иденти-фикация рақамини беради, уни статистика ва рўйхатдан ўтка-зувчи органларга расман маълум қилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилган хўжалик субъекти белгилан-ган тартибда солиқ органлари ва ижтимоий таъминот органлари-да ҳисобда туриши шарт. Хўжалик субъекти ҳақида белгилаб қўйилган тартибни бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонун талабларига мос келмаслиги давлат рўйхатидан ўтказилишининг рад этилишига сабаб бўлади. Рўйхатдан ўтказувчи органлар ари-за берувчига хўжалик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтка-зишни, уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деган важ билан рад этишга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Ариза берувчи хўжалик юритувчи субъект тариқасида дав-лат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик устидан судга шикоят қилиши мумкин. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори, шунингдек маз-кур орган мансабдор шахсларининг ҳаракатлари суд томонидан хилоф деб топилган тақдирда, улар рўйхатдан ўтказишни рад этганлик ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплайдилар ва маънавий зарар учун товон тўлашлари лозим бўлади.

Бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида **“Тадбиркорлик фао-лияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғри-сида”ги Қонунини** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, **“Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги Қонуннинг** ишлаб чиқилиши ва

қабул қилиниши бошқарув тизимини такомиллаштириш ва ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. **“Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги Қонунни** ишлаб чиқишда асосан тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, шунингдек қонунда назарда тутилмаган ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан билан кескин тақиқлаш лозим.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан асосий мақсад – даромад (фойда) олишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун тадбиркор ўз фаолиятини бозор талабларига мослаштириб режага солади, керакли ва сотиб олувчилар учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, рақобатлашувда фаол қатнашишга ҳаракат қилади.

Иқтисодий манфаатдор, биринчи галда, фойда олиш билан боғлиқ хўжалик фаолиятининг натижаларини умумлаштирувчи асосий кўрсаткич ҳам фойдадир. Фойда қанча кўп олинса, меҳнатга нисбатан рағбатлантириш, қизиқиш ҳам шунча баланд бўлади, тадбиркорликда юқори самараларга эришилади.

Тадбиркор ўз фаолиятини юритиш натижасида оладиган умумий даромадидан маълум қисмини солиқлар ва бошқа тўловлар учун ажратади. Тўловларни тўлашдан тадбиркор ихтиёрида қолган даромад соф фойда сифатида тўла-тўқис унинг тасарруфига ўтади. Соф фойдадан қайси мақсадда фойдаланишни тадбиркор ўзи мустақил равишда ҳал қилади;

Таваккалчилик билан фаолият юритиш тадбиркорга хос хусусиятдир. Тадбиркор бозор ҳақидаги маълумотлар ва ахборотлардан доимо хабардор бўлиб туриш, зарур бўлган тақдирда ўз фаолиятига тезда ўзгартириш киритиш ва бозор шароитига мослашган ҳолда ортиқча ташвиш ва харажатларсиз фаолият юритишга ҳаракат қилади. Акс ҳолда, у рақобатга бардош бера олмаслиги ва банкротликка учраши мумкин.

Тадбиркорнинг банкрот бўлиши бошқаларнинг айби туфайли содир бўлиши ҳам мумкин. Масалан, бошқалар тадбиркорнинг

махсулот (товар) ишлаб чиқариши учун зарур бўлган хом ашёни ўз вақтида, келишилган муддатда етказиб бермаса ёки етказиб берилган хом ашё фойдаланиш учун яроксиз бўлса, сотилган товарнинг ёки бажарилган ишнинг ҳақи ўз вақтида тўланмаса – бунга ўхшаш ҳолатлар тадбиркорни банкротликка олиб келиши мумкин. Бундай ҳоллар юз бериши билан тадбиркор унга етказилган зарарни жавобгар шахслардан ундириб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Лекин тадбиркорнинг зарар кўришида айби йўқлигини исботлай олган шахс жавобгарликдан озод бўлиши ҳам мумкин (ФК 333-моддасининг 3-қисми).

Агар тадбиркорнинг мол-мулки баъзи бир табиий офат, бошқа олдини олиш мумкин бўлмаган ходисалар (форс-мажор вазиятлари) туфайли нобуд бўлса, унинг учун ҳеч ким жавобгар эмас. Тадбиркор унга етказилган зарарни фақат суғурта суммаси миқдоридан (агар мол-мулк суғурта қилинган бўлса) ундириб олиш имкониятига эга бўлади.

Таваккалчиликнинг яна бир кўриниши – тадбиркор ўз фаолиятининг натижалари ва зиммасига олган мажбуриятлари юзасидан шахсан ўзи жавобгар бўлишидан иборат. Фуқаролик кодексининг 25-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи фуқаро ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли бутун мол-мулки билан жавоб беради. Мазкур Кодекснинг 48-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхона (юримдик шахс) ҳам ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли бутун мол-мулки билан жавоб беради.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг асослари яратилган бўлиб, улар ҳозирги пайтда муҳим ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади. Лекин, ҳозирги вақтда яна бир муҳим масала – **мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи** долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг бу йилги ялпи ички маҳсулотидан кичик бизнеснинг улуши 50 фоиздан ортиб бораётганига қарамасдан, афсуски, бу соҳа реал иқтисодиётимизда, авваламбор, саноатда

етакчи ўринни эгаллай олмаяпти. Ушбу вазифани ҳал этиш учун “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш зарур. Бу қонунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўлларини соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар беришни кўзда тутилиши лозим. Ушбу секторни кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаларини олиш, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам қонунда ўз аксини топиши даркор.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини, тараққиётини, истиқболини учун катта имкониятлар яратилганлиги, лекин бу борада амалга оширилаётган ишларимиз билан чекланмасдан, кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича амалий чора-тадбирлар кўришимиз зарур. Бундан ташқари, юқоридаги масалаларнинг аниқ ечимини белгилаб олиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ҳамда янги норматив ҳуқуқий меъёрларни яратиш муҳимдир.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган-
